

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ**  
**«Ландшафт дизайни ва интерьер» кафедраси**

5210900 – «Дизайн» йўналиши бўйича  
бакалавр диплом лойиҳа ишининг

**ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Мавзу: Автосалоннинг Архитектура ва дизайн ечими

---

Битирувчи: Назимова Эльмира  
(имзо, Ф.И.Ш.)

Раҳбар: Махмудов. В.М  
(имзо, Ф.И.Ш.)

Консультант: Махмудов И.В  
(имзо, Ф.И.Ш.)

Тошкент - 2014

# М У Н Д А Р И Ж А

бет:

1. Кириш.....
2. Архитектура қисми.....
3. Бадиий-дизайн.....
4. Атроф муҳит экологияси.....
5. Фойдаланилган адабиётлар.....
6. Илова.....

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустакил ривожланиш йулини кулга киритиб, уни мустахкамлаш этапларини боскичма-боскич босиб утмоқда. Бу масала Ўзбекистон халкининг устивор вазифаларидан бири бўлиб, Республикамизда иктисодиётининг изчил усиши ва самарадорлигини ошириш, демократик бозор ислохатларини чуқурлаштириш асосида халқ турмуш даражасини барқарор ва узлуксиз яхшилаб боришини таъминлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада Республикамизда бир катор долзарб ишлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу ишлардан бири аҳолини иктисодий ва маънавий ҳолатини юкори даражаларга олиб чиқишдир. Шу мақсадда Республикамиз аҳолисини автомобил транспорти билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. Автомобил транспорти жамият ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиши билан бир каторда, аҳолининг ҳар бир амалини моддий, маънавий жихатдан мустакил бўлишига имкон яратади. Аҳолининг шахсий автомобилга эга бўлиши, унга турли шароитларда автомобилдан ўзи хоҳлаган қуринишда фойдаланиш имкониятини яратади, яъни пассажир ташиш, турли қуринишдаги юкларни исталган ерга олиб бориш, тижорат, тадбиркорлик ишларини бажариш, маданий, маиший дам олишларга чиқиш, хизмат сафарларга, автосаёҳатларга бориш, автомобил спорти билан шугулланиш каби тадбирларни амалга оширишдир. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сунг қиска давр ўтишига қарамай Республика аҳолисини автомобил транспорти билан таъминлаш жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Республикамизда бир катор автомобил компаниялари барпо қилиниб, уларнинг ишга туширилиши Ўзбекистон халкининг муҳим ютуқларидан биридир. Андижоннинг Асака шаҳрида "ЎзДЭУ авто Со" компанияси; Самарқандда "Сам ҚОЧ авто" автомобил заводларида енгил, юк автомобиллари автобусларнинг ишлаб чиқарила бошлаши Ўзбекистон аҳолисининг транспорт мустақиллигига

эришишига олиб келибгина колмай, Республикамизни автомобил ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлар билан бир қаторда туришига имкон яратади. Аҳолининг енгил автомобилларга бўлган талабини қондириш ва экспорт қилиш мақсадида "ЎзДЭУавто Со" қўшма корхонасида "Нексия", "Дамас" ва "Тико" русумли замонавий енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозир "GM O'zbekiston" корхонасида машҳур "Chevrolet" бренди билан "Malibu", "Captive", "Lacetti", "Cobalt", "Spark" автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Бу автомобиллар билан аҳолини таъминланиши жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Агар Ўзбекистон аҳолисини 1990 йилларда автомобил билан таъминланганлик даражаси ҳар 1000 кишига 40та автомобил тугри келган бўлса, "ЎзДЭУ авто Со" заводи қурилиши, аҳолининг моддий имконияти яхшиланиши, чет давлатлардан келтирилган автомобиллар сонини ортиши билан, маълумотларга қўра 1999 йил ҳисобидан бу курсаткич 70-75 автомобилга тугри келди. Яқин келажакда аҳолини автомобил билан таъминланганлик даражаси Республикамизда автомобил ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиши курсаткичлари билан белгиланиб, аҳолиси автомобил билан юқори даражада таъминланган етакчи давлатлар миқёсига қўтарилиш истикболи яратилмоқда. Албатта, бундай ҳолат, бир томондан аҳолининг моддий, маданий бойлигини оширади, унинг транспорт воситаси хизматида бўлган талабини қондириб, турмуш фаолиятида бир қатор қўлайликлар яратса, иккинчи томондан енгил автомобилларга техник хизмат қўратиш, ремонт қилиш, ёқилғи-мой маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш қабил бўлган ишларга эҳтиёж ортади, атроф-муҳитни автомобил ишлаб чиқарган захарли газ ва йўлдан қўтарилган қанг заррачалари билан ифлослантириш, йўл-транспорти ҳодисаларининг ортиб бориши, йўл тармоқларини яхшилаш ва қенгайтириш қабил муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Ривожланган чет давлатларда аҳолининг автомобил билан таъминланганлик даражаси юқори курсаткичларга эга. Аҳолининг бундай ута автомобиллашиб кетиши бир қатор муаммолар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бундай муаммолар шаҳарлар

иўлларида яккол намоён булмокда, яъни атроф-мухитнинг автомобил ишлаб чиқарган захарли газ, ёкилги-мой махсулотларининг бугланишидан чиққан парлар билан ифлосланиши, транспорт воситалари ҳаракати натижасида чиққан шовкин даражасининг ортиши, йул-ҳаракат ходисаларнинг ортиб бориши, ҳоллари пайдо булмокда. Ушбу давлатларда аҳолининг автомобил билан таъминланганлик даражаси юқори бўлишнинг иқтисодий ва ижтимоий сабаблари мавжуд бўлиб, улар аҳоли моддий ҳолатининг юқорилиги, шахсий енгил автомобилнинг жамоат транспортдан қулайлик томонлари борлиги, енгил автомобилларнинг замонавий ва сифатли бўлиши билан узвий боғлиқдир. Автомобилнинг сифати харидорларнинг унга булган талаби, унинг таннархи ва автомобил ишлаб чиқарувчи заводлар ва автосалонлар орасидаги рақобатга боғлиқ. Ички ва ташқи бозорларда, рақобат қанчалик қучли булса, ишлаб чиқарилаётган автомобил сифати ҳам шунчалик юқори булади ва автомобил ҳамда автосалонларга бозордаги талаб ортиб боради. Ўзбекистон Республикаси шароитида ишлаб чиқарилаётган "ЎЗДЭУавто Со" ва "Сам ҚОЧ авто" қўшма қорхоналарининг автомобиллари ҳам сифат жиҳатдан бир қатор жаҳон стандарти талабларига жавоб беради. Ушбу махсулотларнинг сифати узлуксиз ортиб бориши учун Республиканинг ички бозорларида ва ташқи жаҳон бозорларида ҳам рақобат мавжуд бўлиши зарурий шартлардан биридир. Лекин Республиканинг ҳозирги ривожланиш босқичлари утаётган жараёнда ички бозорларда автомобилнинг сифатини белгиловчи рақобат мавжуд эмас, чунки аҳолининг енгил автомобилларга булган эҳтиёж талаби ишлаб чиқарувчи заводлар тақлифига нисбатан анча юқори. Аммо, автомобилнинг сифат қўрсаткичларини яхшилаш асосан ташқи бозор рақобати билан белгиланади. Аҳолининг автомобилга булган эҳтиёжи юқори булган ҳолларда ташқи бозорда сотилмай қолган автомобиллар ички бозорда сотилиб кетиши мумкин. Демак, ички бозорда сотилган автомобилларнинг ҳаммаси ҳам сифат қўрсаткичлари бўйича жаҳон стандарти талабларига тула жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам шахсий автомобиллар сифат қўрсаткичларининг эксплуатация

шароитидаги узгариш даражаси куп холларда автомобил эгасининг узига боглик булади.

Шахсий автомобилга эга булган хар бир киши ундан самарали ва узок муддат фойдаланиши учун, автомобилни, транспорт воситасини доимо техник соз холатда ушлаши зарур. Ушбу шартни бажариш учун автомобил эгаси уз вактида автомобилга техник хизмат ва ремонт ишларини мунтазам равишда, белгиланган тартиб билан бажариб бориши керак. Бу ишларни бажаришнинг узига хос томонлари мавжуд булиб, улар куйидагилардир: Аҳолига тегишли енгил автомобилларга ТХК ва жорий ремонт ишларини утказиш, корхона ва ташкилотларга карашли автомобилларга ТХК ва жорий ремонт ишлари бажаришдан фарк килади. Корхона ёки ташкилотларда бу ишлар режа асосида, малакали мутахассислар томонидан уз вактида бажарилса, аҳолига карашли автомобилларга ТХК ва ремонт ишларини бажариш эса автомобил эгасининг моддий ахволи, хохиш-истаги асосида бажарилиб, мунтазам амалга оширилмаслиги мумкин. Бу ишларни автомобил эгасининг узи бажариши учун эса малакаси етишмаслиги ёки фурсати булмаслиги мумкин. Куп холатларда шахсий автомобил хайдовчиси факат автомобилни бошқариш, унга кундалик хизмат курсатишгагина лаёкатли булиб, ТХК ва ремонт килиш ишларини бажара олмайди, ёки бу ишларни бажаришни билса хам талаб даражасидаги ишлаб чиқариш техник базасига эга булмаслиги мумкин. Хайдовчининг автомобилни тугри эксплуатация килиш ва уни ишончлилиқ курсаткичларининг узгариб боришига таъсири сезиларли даражада булади. Булар автомобилнинг иш режимини тугри бошқариш, яқинлашиб келаётган бузукликларнинг пайдо булишини сезиш ва олдини олиш, автомобилнинг техник соз холатини доимо таъминлаб бориш каби тадбирларда намоён булади. Малакали ремонт ишчилари томонидан бажарилган агрегатларни созлаш ва ремонт ишларининг сифати хам, шахсий автомобил хайдовчисига нисбатан анча юкори булади. Олинган маълумотларга кура, хайдовчи ва ишчиларининг автомобил эксплуатацияси даврида уни мунтазам техник соз холатда ушлаб

туриш, техник хизмат курсатиш (ТХК) ва ремонт учун кетган харажатларга курсатадиган таъсир миқдори қуйидагича тақсимланади: ҳайдовчи учун 33-36%, ремонт ишчиларига 64-67%. Шундай қилиб шахсий автомобилларни эксплуатация қилишнинг давлат корхоналари автомобилларидан фарқи қуйидаги асосий омиллар билан белгиланади: енгил автомобилларнинг мамлакат бўйлаб нотекис тақсимланиши, босиб утилган уртача йиллик масофанинг камлиги автомобилларнинг юқори хизмат муддати даврига эга бўлиши, ТХК ишларини мунтазам бажармаслик, техник хизмат курсатиш станцияларига (АТХКС) автомобилларнинг бир меъёрга кирмаслиги, қуп ҳолатларда ТХК ва ремонт ишларининг автомобил эгаси томонидан бажарилиши ва иш сифатининг назоратсизлиги ва бошқалардир. Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни амалга оширилаётган ҳозирги пайтда шахсий автомобил билан давлат корхоналари автомобиллар эксплуатацияси орасида мавжуд бўлган юқоридаги хусусий фарқлар камайиб бормокда. Буларнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат: давлат корхоналари ихтиёридаги АТК ларнинг транспорт харажатлари ўта ортиб кетиши, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш мураккаблашганлиги, автомобил паркиннинг янги автомобиллар билан таъминланмаслиги туфайли эскириб бориши ва шу қабил бир қатор ташкилий ва техник- иқтисодий сабабларнинг пайдо бўлишидир. Шу туфайли қуп автокорхоналарга қарашли автомобиллар эскириши туфайли рўйхатдан ўчирилмокда, бир қатор яроқли автомобиллар ижарага топширилиб ҳайдовчининг ихтиёрига берилмокда. Бунинг оқибатида автомобил эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган барча ТХК ва ремонт харажатлари, ёнгил- мой маҳсулотлари билан таъминлаш, юк ва пассажир ташаш ишларини ташкил этиш қабил жараёнларни бажариш ҳайдовчининг масъулиятига топширилмокда. Натижада шахсий автомобил билан давлат автомобиллари эксплуатацияси орасидаги фарқ йўқолиб, бормокда. Иқтисодий ҳолатини яхшилаш мақсадида шахсий автомобилга эга бўлган шахслар ҳам автомобилдан интенсив фойдаланмокдалар. Бунинг оқибатида

енгил автомобилларнинг уртача йиллик босиб утган масофаларнинг кескин ортиб бориши, ТХК ва ремонт ишларини бажариш даврларининг кискариши, ёкилги- мой махсулотлари, эҳтиёт қисмларга булган талабларнинг ортиб боришига олиб келмокда. Бундай ҳолатларнинг юзага келиши автосервис хизматига булган талабнинг ортишига ва бу хизматни кенгайтириш, лойихалаш- куриш ишларини жадаллаштиришни такозо килади. Автомобилларнинг сифат курсаткичлари эксплуатация давомида узгариб, сон курсаткичлар билан ифодаланади. Сон курсаткичлари автомобилнинг ишончилилик даражаси оркали белгиланиб, улар автомобилни ҳар доим техник соз ҳолда ушлаб туриш учун кетган харажатларда намоён булади. Эксплуатация шароитида бундай харажатларни камайтириш энг аввало, автомобил ҳайдовчисининг малакаси ва моддий имкониятлари билан белгиланади. Транспорт воситаларини тоза ва ҳар доим техник соз ҳолда ушлаб туриш учун унга бир катор автосервис хизмати курсатиш зарур булади, яъни автомобилларни ювиш-тозалаш, ёкилги-мой махсулотлари билан таъминлаш, ТХК ва ремонт ишларини бажариш ҳамда саклашдир. Бу ишларни тартибли ва бир тизимда амалга ошириш мақсадида махсус автосервис корхоналари ташкил этилган булиб, хусусий автомобилга эга булган шахслар ушбу корхоналарга мурожаат этадилар. Техник хизмат ва жорий ремонт ишларини бажариш учун автомобил эгаси маълум миқдорда моддий сарф килади. Ушбу харажатлар автомобил эксплуатацияси давридаги умумий харажатлар ичида асосий қисмини ташкил этиб унинг 87% ни ташкил этади, қолган 13 % эса янги автомобил ишлаб чиқариш учун кетган сарфга тугри келади. Меҳнат сарфини олиб қарасак, янги автомобил ишлаб чиқариш учун 1,5... 3,5 % меҳнат сарфланса, автомобилнинг хизмат даврида ТХК ва жорий ремонт ишлари учун кетган меҳнат сарфи 96,5... 98,5 % ташкил этади. Ушбу харажатларни камайтиришнинг бир катор йуллари мавжуд булиб, уларнинг асосийлари: Автомобил сифати ва ишончилилик даражасини ошириш, ТХК ва ремонт ишлари сифати ва самарасини ортириш, автомобил эгасининг малакасини кутариш, ёкилги-мой материаллари сифатини



яхшилаш каби тадбирлардир. Эксплуатацион харажатларни камайтириш тадбирларини амалга оширишда автосервис корхоналари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Автосервис хизмати деганда транспорт воситасини техник соз ва тоза ҳолда ушлаб туриш учун эксплуатация давомида автомобилга курсатиладиган ташкилий, техник- иктисодий хизматлар мажмуи тушунилади. Бу хизматларнинг асосий қисми автосервис корхоналари томонидан махсус хизмат сифатида бажарилса, бир қисми автомобиль эгаси томонидан уз-узига хизмат курсатиш сифатида бажарилади. Ҳозирги даврга келиб транспорт воситаларига курсатиладиган автосервис хизмати 100 хил турга эга. Республикада иктисодий муносабатларнинг тубдан ўзгариши халқ ҳужалигада турли хизмат жавҳалари ривожланишининг аста-секинлик билан хусусий мулкчилик асосига ўтказилиши сабабли автосервис корхоналари фаолиятини бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ишлари ҳам турли хил қурулишларга ўтказилмоқда. Шундай хизмат курсатиш усулларида бири автомобилларга фирма усулида хизмат курсатишдир.

# АРХИТЕКТУРА

## БЎЛИМИ

Консультант: Махмудов И.В  
(Ф.И.Ш., имзо)

Маъсул раҳбар: Махмудов В.М  
(Ф.И.Ш., имзо)

Битирувчи: Назимова Э  
(Ф.И.Ш., имзо)

Юқоридагиларни инобатга олиб диплом лойиҳа ишига пойтахт Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида “Автосалон”ни шаҳарсозлик қоидаларига риоя қилган ҳолда лойиҳалаштиришни мақсад қилиб олинди.

Лойиҳани бажаришда қуйидаги норматив ҳужжатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

ШНК 2.01.02-05 «Ёнғин хавфсизлиги ва эвакуация йўллари»

КМК 2-08.02-09. «Жамоат бинолари ва иншоотлари»

КМК 2-07.02-96. «Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитларини ногиронлар

КМК 2.01.18-2000 «Бинолар ва иншоотларини иситиш, шамоллатиш учун энергия сарфи меъёрлари»

ВСН 01-89 «Автомобилларга хизмат кўрсатиш корхоналари»


КМК 2.03.10-95 «Томлар ва томкопламалар»

КМК 3.03.01-98 «Юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар»

Автосалон биносини лойиҳалашда одамларнинг соғлиғи ва ҳаётини сақлаш, атроф-муҳитни сақлаш, узоқ вақтга чидамлилиқ, таъмирлашга яроқлиқ, энергия тежамлилигини таъминловчи чоралар ва бошқа талаблар амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ кўзда тутилган.









### ***Ҳолат тархи***

Диплом лойиҳасида таклиф этилган 2 қаватли “Автосалон” автомобиллар сотиш ва уларга хизмат кўрсатиш шохобчаси бўлиб, Тошкент шаҳри Сирғали туманида жойлаштириш лойиҳавий таклиф берилган.

Лойиҳа жойлаштирилган ҳолат тархи шимол томондан Шокирарик кўчаси томонидан Янги Сергели магистрали йўли билан, Жануб томондан Сергели II даҳа ва Ислон Саттаров кўчаси билан, ғарб томондан “Ўзғариш” микрорайони билан чегараланган.

Автосалон асосий тарз қисми Янги Сергели йўлига қараган.

Умумий ер майдони 1,56 га

Қурилиш майдони 0,32 га

Яшил майдон 9,92 га

Лойиҳавий йўллар майдони 0,36 га

Қурилиш ҳажми 0,24 м<sup>3</sup>

### ***Бош режа***

Бош режада Автосалон биносининг асосий фасади Янги Сергели магистрали кўчасига қаратилган. Режада енгил автомобиллар турар жойи, яшил майдон ва бинога ва техник хизмат кўрсатиш блокига кириш йўллари лойиҳалаштирилган.

### **Бинонинг тархий ечими**

Лойиҳавий таклиф этилган Автосалон тархий ечими 2 қаватли бўлиб, асосан 3 та блокдан иборат бўлиб А-блок (АБК) маъмурий хизмат кўрсатиш блоки; Б-блок Автосалон сотув зали; В-блок автомобилларга техник хизмат кўрсатиш блоки.

#### **А-блоки:**

Фойе; электорон зал; хужжатларни расмийлаштириш; 50 кишилиқ кафе-зал; ошхона идишларини ювиш хонаси; нон кесиш хонаси; иссиқ цех; қупук маҳсулотлар учун омборхона; зағрузочн.; электрошит; шахта; бош ошпаз хонаси; гардероб; санитар хона; ўтиш йўлаги; қабулхона; директор кабинети; дам олиш хонаси; мажлислар зали; архив; дизайнер кабинети; юрист ва администратор хонаси; иқтисод бўйича директор ўринбосари; ҳисобчи хонаси; директор ўринбосари хонаси; йўлак; инженер хонаси.

#### **Б-блоки:**

Автосалон; лифт; автосалонга кириш

## **В-блоки:**

*Мини банк; кислота учун омборхона; аккумулятор; уста учун хона; аёллар кийиниш хонаси; эркалар кийиниш хонаси; таъмирлаш постлари; мойлаш назорат постлари; умумий вазифага таалуқли мастер; электр мосламаларни таъмирлаш устаси; эҳтиёт қисмлари учун омборхона; ўтиш йўли; автомобилларни ювиш; автомобилларни қуришиш.*

Юқоридаги 3та блок асосий вестюбль билан ўзаро бириктирилган.

## **Бинонинг конструктив ечими**

Темир бетон конструкциядан иборат бўлиб, ослар оралиғи ўлчамлари 7,2х9, 9х9, 7,2-6 метрни ташкил этади. Устунлар диаметри 700мм. Автомобил сотиш залида 1 чи ва 2 чи этаж оралиғи атриум билан лойиҳаланган. Юк кўтарувчми устунлар оралиғи 9 метр ва 6 метр. Умумий R-22 метрни ташкил этади. Ташқи девор конструкцияси метал фермалардан иборат. Бинонинг том ёпмаси моноклит.

## **Бинонинг тарз ечими**

Бинонинг асосий тарз қисми Янги Сергели магистрали йўлига қараган бўлиб, асосий 3 та блокни ягона вестюбль билан боғлаш эвазига ягона композиция ташкил этилган бўлиб асосий кириш бинонинг ўрта қисмидан вестюбль орқали ташкил этилган.

Бино таризини безашда замонавий материаллар стеклокристаллит ва рангли керамик материаллар, калин ойна, ок рангли минералка материалларидан бажарилган.

Ўзбекистонда замонавий қурилиш сифатини ва ҳаёт даражасини ошириш шароитида, гармонал ва функционал-фазовийликни рационал уйғунлиги ва сунъий муҳитни эстетик ечишга катта ва муҳим аҳамият қаратилган.



Бой тарихий урф-одатлар, маданий мерослар, тизим ва замонавий жамиятнинг тартиби, ўтган авлод архитекторларининг ва дизайнерларининг тажрибаси архитектуравий муҳитга юқори талабни шакллантира олдилар.

Хозирги кунда, бутун дунёда, мамлакатда умумий ва махсус билим даражасига янги талаблар қўйилиб, иқтисодий ва ижтимоий шароитлар тезда ўзгармоқда.

Олий мактабнинг асосий вазифаси – инсонни янги дунёдаги юқори маданиятли, ўқимишли, ижодиётни, қобилиятни ва меҳнатсеварликни ривожлантиришни шакллантиришга қаратилгандир.

“Архитектура муҳитлари дизайни” мутахассислиги кенг билим (фалсафа, санъат тарихи, чизматасвир ва рангтасвир ва хоказо) ва реал амалиёт шароитида соҳавий ишларда керакли самарани беради.

Замонавий архитектуравий-дизайнерлик билим олишида барча ижодий фанлар тавсирий санъатдан тартиб то лойихалашгача – композициядан бошланади. Архитектура муҳитлари дизайни мутахассисни асосий шаклланишида билимлар, нуқтаи назарлар ва композицион қонуниятларни қўллаш ҳисобланади.

Композиция асослари билими ижодий қобилиятни ва профессионал малакани ривожлантиришда керакли жихозларни беради. Композиция асослари архитектура муҳитлари дизайнини ўрганишда муҳим қисмни ташкил этади.

Композиция (лотинчадан «сompositia»- тузиш, боғлиқлик маъносини беради) санъатнинг барча турларида услуб ҳам (ижодий асар) ва тартиб ҳам бадиий асарни қуришда аниқланади.

Кенг маънода композиция остида шаклнинг бадиий ғоявий тартиби, тузилишни, ғоявий-ижодий фикрни тушинилади – бу турлича қисмларнинг боғлиқлиги, уларни бир бутун ғояга бирлаштириш, ижодий фикр, буларнинг барчаси биргаликда бадиий шаклни аниқлашда ҳосил бўлади.

Декоратив композиция – композиция, бир нимани безатишга қаратилган фикрдир. Декоратив композицияда, композициянинг ўзидан ташқари,

қандайдир мазмун бўлмайди. Шунинг учун декоратив композитсия кўпинча орнамент тамойили бўйича қурилади (ёки ўзида орнаментни ифода этади). Декоратив композитсияга халқ идиш-товоқларига нақшлар, кийимдаги нақшлар ва хоқозолар қиради.

Мухит дизайнида композитсия - бу предметли-фазовий муҳит сицемасининг мақсадли бадиий ташкил этилиши, вазифаси аниқ, муаллиф томонидан ўйлаб топилган сицеманинг функционал асоси компонент ва деталларнинг визуал тенлиги ҳисобига амалга оширилади.

Дизайн назариясида композитсия предметларни фазовийлик гуруҳлари тартибигина эмас, бу шундай биркималийликки, томошабинда олдиндан кўрилади оладиган ҳиссиётли таъсирланиш, қутилган таассурот, яъни онгли равишда назарда тутилиши мумкин.

Композитсиянинг муҳит дизайнида, композитсион тузилишида, барча муҳит компонентларининг ўзаро муносабатининг ҳиссиётли-эстетик яратилишида амалга оширилади.

Формал композитсияда шакл ассотсиатив, рамзий ва мазмунан ҳиссиётли ўзаро боғлиқ, лекин визуал реалистик объектларнинг мазмунан алмашиш ёлида расман алоҳида ёки абстракт элементлари билан, чунки формал композитсия ғояни ва бадиий-образли фикрни ифода қилади.

Формал композитсия санъатда ҳар қандай композитсиянинг асосида ётади (рангтасвирда ва графикада дастгоҳли композитсия, маҳобатли панно, ҳайкалтарошликка оид ва архитектуравий композитсия ва дизайнерлик лойиҳасида ва ҳоказо) аксар “тоза” фойдаланишда, тасвирий абстракт шаклда (нуқта, чизиқлар, текислик, доғлар массаси, ҳажмлар ва ҳоказо) ва инсон қабул қилишида визуал қонуниятларга мос равишда ташкил этилади.

Формал композитсия муцақил бадиий асар сифатида ҳам ва амалий композитсион ишланма сифатида ҳам предметли композитсияларнинг турли кўринишларининг эскизини бажаришда ва тасвирий санъат жанри сифатида

кўриш мумкин, яна шунингдек тасвирнинг турли туман компонентларини узвий боғлаш услуби сифатида ҳам кўрилади.

Биз формал композитсия оқида абстракт элементларнинг тасвири, конструктивлашни аниқ бир мақсадга қаратилганлигини ва тасвир тузилишини пластик ташкил этилганлигини тушунамиз.

Композитсион шакл ўзида асарнинг ички мазмунини бадиий воситанинг ва усулнинг ташқи кўринишида ифода этади.

Формал композитсия - предметли мазмундан махрум этилган ва абстракт элементлар уйғунлигида қурилган (чизиқлар, доғлар, ранглар). Формал композитсияда фақат қонунлар ва унинг асл қурилиши тамойили, пластик шакллари муҳимдир.

Томошабинга ҳиссиётли таассурот бадиий шаклда, ранглилигида ва асарнинг пластик қурилишида таъсир этади.

Формал композитсия мантиқни кўрсатади, қонунларни очади, шу асосда ҳар қандай визуал асарни қуриш мумкин бўлади. Кўп равишда дизайн тили формал композитсия қонунлари бўйича тузилади. Дизайнинг тарихий пайдо бўлиши, хусусан формал композитсияни англаш билан боғлиқ.

XX асрнинг 10-20-йилларида санъатнинг авангард модернистик ёналишида - абстракционизм, супрематизм, дадаизм, кубизм – предметсиз санъат тариқасида очилди. Унинг пайдо бўлиши В. Кандинский, К. Малевич, Х.Миро, К. Схвиттерс ва бошқа номлар билан боғлиқ. Баухауз ва ВХУТЕМАС биринчи дизайн мактаби ўқитувчиларининг кўп қисми – авангард вакиллари эдилар.

“Композитсия асослари” курси формал композитсияни ўрганиш билан бошланади, худди шунингдек, у композитсининг хусусиятлари ва қонуниятларининг ҳаракатини “равшан, тоза” кўринишда кўрсатилади.

Сҳакл текисликда материал предметида қайд қилиниши мумкин ёки абстракт элемент бўлади.

Ҳар қандай бадиий асарнинг композитсион тўғри ташкил этишнинг асосий тизимли хусусиятлари ва тамойиллари:

шаклнинг ва мазмуннинг уйғунлиги (ҳиссиётли-образли фикр элементлар ва танланган воситаларнинг мувофиқлиги, мазмун режаси ва образнинг формал ифода этиш режасининг бирлиги);

бир бутунлик (ажратилмаслик, қисмларни узвий боғлаш: композитсиянинг ҳеч бир элементини ўзгартириш мумкин эмас, уйғунликни тўлиқ бузмасдан олиб ташлаш ёки қўшимча қилиш);

бирга, тенг ҳуқуқда (асосий ўзаро таъсир этувчи тизимларни ўрнатиш ва иккинчи даражали элементлар иерарх диққатни тортиш зонасини таъминлаш, аҳамиятли учацкаларни таъкидлаш);

тартибга солиш (композиция элементларнинг жойлашиш кетма-кетлиги уларни бир бутун қабул қилиш қонуниятлари билан мослиги);

мутаносиблик (шаклнинг ва тасвир элементи ҳажмининг тегишли равишда бир-бирига уйғунлиги);

цуктуралилик (концруктив аниқлик, ратсионалилик, композитсион қуришнинг тектониклиги);

егилувчанлик, ўзгариш (композицияни қабул қилиш ва унинг характериға қарамасдан янги элементлар комбинатсияларни пайдо бўлиши мумкинлиги);

такрорлаш (бир бутунликни қисмларда такрорланиши, композитсион элементларни қуришда айрим тамойилни ўзгартириш);

Композицион қоидалар, усуллар ва воситалар кўплаб авлоднинг ижодий маҳоратларининг бой тажрибалари асосида вужудға келган, бироқ композиция техникаси бир жойда туриб қолмайди, аксинча доимо ривожланиб бораверади, ижодий амалиёт билан бойиб бораверади. Композициядаги қандайдир усуллар классик шаклланиб боради ва улар ўрниға янги, ҳаётда қандай янги топшириқларни берса, шу асосда ривожланиб бораверади.

Калит сўзлар

Композиция, формал композиция, ижодий фикрлаш, ғоя.

# БАДИИЙ-ДИЗАЙН

## БЎЛИМИ

Маъсул рахбар: Махмудов В.М  
(Ф.И.Ш., имзо)

Битирувчи: Назимова Э  
(Ф.И.Ш., имзо)

### **“Автосалон” биносининг тарз дизайн ечими.**

Ушбу лойиханинг тарзий ечимида архитектуравий бионика услубидан фойдаланилган. Бионика услуби ўз моҳияти билан техник ижодиёт усулига яқиндир. Бинони тирик табиатга ўхшаш шакллари аниқ бўлганлиги сабабли, табиат шаклларининг техникага ўтиши кўрсатилди. Тирик организм билан техниканинг боғлиқлиги аниқ шаклларда ифодаланди. Бу конструктив ечим орқали материаллар енгиллашган, мустаҳкамлиги эса ошган. Шундай қилиб, материаллар иқтисодий тарафдан кам харажатли, кучли таассурот қолдиришни, муҳитни уйғунлаштириш дизайнини яна ҳам ўзгача қилишга ҳаракат қилинди. Маълумки, ҳар қандай муҳит одамлар руҳиятига, онгининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Чунки архитектурада қўлланиладиган ҳажмий шакллар, моддий муҳит, бирон бир жозибали кўринишга ёки ахборотга эга бўладики, улар одамлар дидига, онгига ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин.

Бинонинг девор сиртини оқ рангдаги стеклокзистолит билан қопланган. Бино сиртининг аксарият қисми оқ тусдаги қалин ойна билан қопланган.

### **Хоналарнинг ички интерьер ечими**


Лойихаланган бинонинг асосий хоналари интерьер кўринишини бадиий ечимини яратишда ундан қандай мақсадда фойдаланиш ва хонада қандай жихозлар жойлашиши ва буларни инсон фаолиятидаги қулайлиги инобатга олинган.

Автосалон дизайн ечими бинонинг асосий мавзусидан келиб чиққан ҳолда ишланган. Бинода автомобиллар кўргазмаси бўлими, маъмурият бўлими, техник хизмат кўрсатиш зоналаридан иборат бўлганлиги учун, унинг интерьер ечимида технократик усулдан фойдаланилган. Интерьерда қўлланилган дизайн усулини асосан минимализмга яқин десак бўлади. Чунки интерьерда ҳеч қандай безаклар, нақшлар қўлланилмаган. Маъмурий бўлим ва кўргазма зал интерьерини ташкил қилишда бинонинг очиқ металл конструкциялари фаол қатнашиб турибди. Интерьер ташкил қилишда шифтларни қоплаш учун гипсокартон, замонавий пластик материаллардан кенг фойдаланилган. Ички

хоналарни ажратувчи деворлар, тўсиқлар метал листлардан, пластиклардан, ёғоч материаллардан (ДСП, МДФ) фойдаланилган. Бино интерьерининг вертикал сатхларни витринали қалин (8-10 мм) ойналардан ишланган деразалар ташкил қилади.

### Кургазма зал.

Ташқаридан қараганда томчига ўхшаган гумбаз остидаги жой бу-кўргазма залидир . Кўргазма зал интерьерига кирган одам эътибор энг аввал спирал шаклдаги констрүтив қурилмага тушади. Конструкция оралиғидаги бўшлиқдан мовий осмон куринади. Жилоланган қуеш нурлари хонага еруғликдан ташқари ўзгача табиий мухит яратади. Кўргазма залида дам олиш зоналари мавжуд. У ерда одам учун эргономик қулай ўриндиқлар, кресло, диван, стул ва столлар мавжуд. Залнинг юқори қисмида катта монитор орнатилган. Томошабинни қизиқтирган малумот оператор ердамида айнан шу монитор оркали намоен бўлади. Кўргазма залида қуйилган автомобиллар модели махсус супачаларга ўрнатиб, электрмоторлар ердамида 360 градус бўйлаб айланиб туради. Кўргазма залига келган томошабин автомобил моделини хар тарафдан кўриш имкониятига эга бўлади. Яна эътиборга лойиқ томонлардан бири, хар бир автомобил индивидуал прожектор ва махсус еритгичлар ердамида еритилади. Айланиб турган супани олдида айнан шу автомобил модели хакида маълумот берувчи стенд бор. Кургазма залига келган одам бу стенддан фойдаланиб, хамрохи билан бахс юрутиш учун қулай ўриндиқли махсус стуллар ва столлар мавжуд. Кўргазма залнинг бурчагида одамларни эътиборини тортадиган эшик мавжуд. Эшик қалин ойнадан ясалган булиб, ешикка одам яқинлашган пайтда автоматик равишда очилиб -епилади. Хонада хар хил майда ва йирик рангли ва рангсиз чироқлар ўрнатилган. Кўргазма залига келган томошабин ва харидор учун қулай мухит яратиш мақсадида сув , кофе , чой чанқоқ қондириш учун автоматик ускуналар ўрнатилган. Кўргазма залига хусн бериб турган жихатлардан бири бу керамогранитдан ясалган полдир. Бу



керамогранитга берилган сайқал (шлифовка) зал мухитини янада кўпроқ бойитади. Автомобил жилоси билан пол жилоси бир бири билан ўзаро боғланиб кетади. Шунда пол ва автомобил модели орасида ўзаро яхлитлик пайдо бўлади. Эътиборни асосан автомобил моделига қаратиш мақсадида пол ердамчи вазифасини бажарган. Пол ранги шундай танланганки, томошабинн автомобилга бўлган эътиборни кучайтиради.



## Фойе

Бинога киришингиз билан ката ва кенг фойега тушасиз. Бино ичида дабдабани факат фойеда куришингиз мумкин. Аммо шу дабдабага хам кузга даров ташланадиган ёркин рангларсиз, жимжима ва безакларсиз хашаматли жихозларсиз эришилган. Фойе полига оч ранглардаги мрамор плиталари ва керамик плиталар ёткизилган. Хар хил рангдаги накш килиб терилган бу плиталар фойе интерьерига узига хос жозиба багишлайди. Деворларига ишлов беришда венециан штукатуркасидан фойдаланилган. Оч рангларга буялган деворлар хонани кенг ва ёруг килиб курсатади. Иккинчи каватга олиб чикадиган зина туткичлари металл ва шишадан ишланган. Фойе ва атриумда дам олиш жойлари ташкиллаштирилган булиб, айрим жойларда скамейкалар, айрим



жойларда диван, креслолар билан жихозланган, табиий гуллар билан безатилган. Яратилган яшил зоналар ва кенг ойналардан тушиб турадиган куёш нури кишига иликлик беради.


## Бинони ички ва ташки томондан ёритиш

Ёритилганлик кишиларга рухий таъсир утказгани сабабли бино безагида алохида урин тутади. Бинони табиий ёритишга алохида эътибор қаратилган. Кенг тиркишлари бинога узига хос қуриниш бериб, хонани кенгайтириб курсатади ва нурга тулдиради. Янги қурилиш материалларининг пайдо бўлиши қуёш нуридан факат хоналарни ёритиш учунгина эмас, балки шу хоналарнинг рангларга таъсиридан ҳам фойдаланиш имконини беради.

Бинони сунъий ёритиш ускуналари бино ичида ва ташқарисида жойлаштирилган бўлиб, интерьер ва ландшафтга безак берувчи элементлардан биридир.

### **Худуднинг ландшафт ечими.**

Худуднинг ландшафт ечими лойihalанаётганда аввал худуд урганиб чиқилган. Автомобил катнови учун йул, авто тухташ жойи, декоратив яшил зоналар лойihalанган. Бино автомобиль катнови йули бўйида жойлашган бўлганлиги учун чанг ва шовкиндан химоялаш мақсадида ҳар хил баландликдаги усимликлар зинапоё сифатида экилган. Биринчи қаторда кесиб, шакл берилган, баландлиги 1м гача бўлган самшит зич қилиб экилган. Самшит доимий яшил усимлик, тук яшил рангли, шохлари зич жойлашган. У соя, яримсоя ва жазирама иссиқда яхши усади. Тупрокка талабчан эмас. Исталган шаклга келтириб кесиш мумкин. Иккинчи қаторда баландлиги 3м бўлган форзиция ораси очик қилиб экилган. Форзиция февраль охири ва мартда барг ёзгунга қадар бутун шохини қоплаб оладиган сарик гуллар билан гуллайди. Шаҳар шароитига мос, соя, жазирама иссиқ ва қурғокчиликка чидамли.



## **Автомобилларга техник хизмат курсатиш станцияси интерьер**

### **ечими**

### **ПОЙДЕВОРЛАР**

Пойдеворлар - ер ости конструкциялари бўлиб, ўзидан юқорида турган конструкциялар оғирликларини қабул қилиб, грунтларга узатиб берувчи конструкциялардир. Пойдеворга юқоридан девор ва устунларнинг ҳусусий оғирлиги, пастдан эса заминнинг тескари босими таъсир этади.

Иншоот замини деганда юқоридан тушаётган юкни қабул қиладиган ҳамда шу юк таъсирида кучланиш ва деформация ҳолатида бўладиган грунт массаси тушунилади. Замин қанча кам ва текис деформацияланса, унинг қурилиш сифатлари шунча юқори бўлади; иншоотда қўшимча кучланишлар шунча кам ҳосил бўлади.

Иншоот ва грунтга мос пойдевор танлаш лойиҳалаштиришнинг муҳим масалаларидан биридир. Замин ва пойдеворларнинг бир неча вариантини техник иқтисодий анализ қилиш йўли билан унинг ишчи варианты қабул қилинади. Пойдеворлар етарли даражада мустаҳкам, пухта, совуққа ва ер ости сувларининг агрессив таъсирига чидамли бўлиши керак. Пойдеворнинг

тархдаги ўлчамлари шундай олиниси керакки, юқоридан тушаётган ҳисобий юклар таъсирида пойдевор остки сиртида ҳосил бўладиган ўртача босим, грунтга бериладиган босимдан ортиб кетмасин; пойдеворнинг чўкиши нормада кўрсатилган даражада бўлиши керак. Ҳар қандай пойдевор лойиҳасида иккита характерли текислик бўлади, иншоот таянувчи устки сирт ( устки текислик ) ҳамда грунт билан туташиб турувчи остки сирт ( остки текислик ). Пойдеворлар чуқурлиги, юк таъсирида ишлаш характери, конструктив шакли, материали, вазифаси ҳамда ишланиш услубига кўра бир неча турларга бўлинади. Чуқурлигига кўра саёз ва чуқур (ертўлалар) пойдеворлар бўлади. Лойиҳа шаклига кўра алоҳида, яхлит лентасимон, массив, аралаш ва қозикли пойдеворлар бўлади.

Иморатларнинг катта ёки кичиклигига қараб, пойдеворларга тушадиган юкнинг вазни ҳам ҳар хил бўлади. Айни бир пайтда пойдевор заминидagi грунтнинг физик механик хоссалари ҳам турличадир. Шунинг учун ҳам пойдеворларнинг чуқурлиги бирдай бўлмайди. Пойдевор туби ер сиртига қанча яқин бўлса, у шунча арзон тушади, шу боисдан пойдеворларни юзароқ олишга ҳаракат қилинади.

Бироқ грунтнинг юқори қатламлари кўпинча заминга қўйиладиган талабларни қондира олмайди.

Юқори қатлам грунтлари, биринчидан, ўта сиқилувчан ва кучсиз бўлади, иккинчидан, ёғин сочин ҳамда ўсимликлар таъсирида ўз ҳажми ва мустаҳкамлигини мунтазам ўзгартириб туради.

Пойдеворнинг рационал чуқурлигини танлаш бинонинг лойиҳасига ва вазифасига, пойдеворга бериладиган юкнинг миқдorigа, қурилиш майдончасининг геологик ва гидрогеологик шароитига, шунингдек грунтнинг музлаш чуқурлигига боғлиқдир. Ана шу шароитларни ҳисобга олиб, пойдевор чуқурлиги бир неча вариантда ишлаб чиқилади ҳамда иқтисодий жиҳатдан энг тежамлиси қабул қилинади. Агар грунт кўпчийдиган (ҳажми кенгайдиган) бўлса, пойдевор чуқурлигини белгилашда

грунтнинг музлаш ва эриш сатҳи ҳисобга олинади, чунки бундай грунтлар музлаганда кенгаяди, эриганда чўкади. Пойдеворнинг туби музлаш доирасида бўлса, унга грунтнинг кенгайишидан ҳосил бўладиган босим кучи таъсир этади. Агар босим кучи пойдеворнинг грунтга берадиган босимидан катта бўлса, у ҳолда пойдевор нотекис кўтарилиши, грунт эриганда эса, нотекис чўкиши мумкин. Бу ҳол пойдевор мустаҳкамлигига салбий таъсир этади.

Жамоат биноларининг устунлари остига қўйиладиган пойдеворларига сарф бўладиган бетон, умумий сарфланадиган бетоннинг 20 - 35 % ини ташкил қилади, уларни яратиш нархи эса тўлиқ бинога кетадиган қийматнинг 5 - 20 % и ни ташкил этади.

Лойиҳаланаётган бинонинг пойдеворлари юк кўтарувчи ғиштли деворлар тагида В20 (М250)синфли портландцементда тайёрланган ўзаро кесишувчан монолит темир-бетон лентасимон, устунлар остида эса, устунсимон қилиб лойиҳаланган. бўлиб, тагини (подошва) баландлиги 400 мм. дан иборат. Пойдевор Ø16А- III, Ø 8А- I, С1, С2,....., С16 (РСТУ3865-98)тўрлари билан ўзакланади ва В20 синфли бетондан тайёрланади.

Бетонлашда қўл билан вибратор ёрдамида узлуксиз равишда бетонни зичлаш керак. Пойдеворларни грунтларга ўрнатишдан аввал қуйидаги тайёргарлик чораларини кўриш зарур. Котлован қазиб, ўсимлик қатлами, ҳамда сочилувчан грунт қатламини олиб, қурилиш майдончасидан ташқарига олиб бориб ташлаш керак. Бино периметри бўйича асфальт бетон отмостка шағал асосга кенглиги 1,5 м. қалинлиги, t қ 100мм. қилиб лойиҳаланган.

## П А Р Д А Д Е В О Р Л А Р

Пардадеворлар ички вертикал тўсиб турувчи конструкция ҳисобланиб, бир хонани иккинчи хонадан ажратиб туради. Пардадеворлар ўз оғирлигини ёпмаларга ёки грунтга қурилган пол заминига узатади.

Пардадеворлар кўп фойдали юзани банд қилмаслиги учун юпқа, енгил, юзаси силлиқ, кирланганда осон тозаланиши, етарли даражада пишиқ, турғун ва ўтга чидамли бўлиши керак.

Пардадеворлар ички девор гуруҳлари таркибига кириб кўндаланг ва бўйлама йўналишда жойланиши мумкин.

Меъёрий ҳужжатларга асосан квартиралараро пардадеворларнинг товуш ўтказмаслик хусусияти 0дБ га тенг хоналар орасида 9 дБ бўлиши керак (дБ – товуш босимининг ўлчов бирлиги) инсоннинг товуш босими тўлқинларини қабул қилиш қобилияти 0билан 120 дБ оралиғида ётади.

Парда деворнинг массаси ошган сари товуш ўтказмаслик хусусияти ҳам ортиб боради.

Товуш энергияси зичликлари хар ҳил бўлган кўп қатламли пардадеворлардан ўтганда ўз кучини йўқотади. Агар қатламлар орасида бўшлиқ кўзда тутилса бундай девор товуш ўтказмайди.

Бинонинг турига қараб пардадеворлар ўтга чидамли ёки ёнмайдиган бўлиши керак.

Материалига қараб пардадеворлар асосан уч хил гипс-бетон панелли майда тош (ғишт, майда блок)лардан ва кам қаватли уйларда ёғоч материаллардан тайёрланади.

Оммавий турар жой бинолари қурилишида индустриал гипс-бетон плиталари ишлатилади. Бундай плиталарнинг ўлчами хона ўлчамига тенг қилиб тайёрланади.

Қурилиш усулига кўра парда деворлар майда-йиғма, йирик-йиғма ва комбинациялашган турларга бўлинади.

Вазифаси бўйича стационар ёки қўзғалмас ва қўзғалувчи бўлади.

Парда деворларнинг ораёпмалар, юк кўтарувчи деворлар билан туташиниш усуллари ҳилма-ҳил мосламалар ёрдамида амалга оширилади.

Ушбу лойиҳаланаётган бинода ғиштли ва гисокартон пардадеворлар ишлатилган.

Бинода ишлатилган ҳамма пардеворларнинг қалинлиги 120 мм., га тенг. Пардеворлар куриш олдидан қуйидаги ишлар бажарилади:

-пардадеворнинг бўйлама ўқи, асосий деворларга туташадиган жойлари, эшик ўрни режаланади ва унинг ўлчамлари кўрсатилади;

-пардевор асоси қоришма қуйиб текисланади ёки антисептик воситалар шимдирилган ёғоч таглик ўрнатилади;

-андазалар, режа тахталар ва бошқа мосламалар ўрнатилади.

Пардадеворлар ўрнатилгандан кейин ҳамма чокларини шпаклевка қилиш керак ва ҳамма ёғоч элементларни антипирен билан тўйдириш лозим.

Лойиҳаланаётган бино ғиштли қалинлиги 120мм. ва гипс картонли пардадеворлардан иборат.

## З И Н А Л А Р

*Зиналар* қаватлар орасидаги алоқани амалга оширишга хизмат қилувчи асосий юк кўтарувчи конструкциялардир, бундан ташқари зиналар табиий офат, ёнғин ва авария вақтида кишиларни бинодан тез эвакуация қилиш хизматини бажариши керак.

Зиналар вазифасига қараб қуйидаги ҳилларга бўлинади:

-асосий ва ёрдамчи зиналар, қаватлар орасида кишиларнинг кундалик оммовий қатнови ва бинодан ташқарига чиқиш учун хизмат қиладиган зиналар.

-ёрдамчи зиналарга - ўт ўчиришда, авария вақтида фойдаланиладиган, чордоққа чиқиш ва ертўлага тушиш учун хизмат қиладиган зиналар киради.

Зиналар қия жойлашган маршлар, горизонтал супачалар ва ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи тутқичлардан иборатдир.

Зина деворлари етарли даражада ўтга чидамли бўлган махсус хоналарда зина катакларида курилади. Бинодаги зиналарнинг сони, жойлашиши, ўлчамлари, қабул қилинган бинонинг архитектура-тархий ечимига, қаватлар сонига, одамлар ҳаракати оқимининг шиддатига (интенсивлигига) бевосита боғлиқдир.

Зиналар қуйидаги асосий талабларга жавоб бериш керак: мустаҳкамлик, ҳаракат ҳавсизлиги, ёнғиндан ҳавсизлик, ҳаракат вақтида толиқмаслик, гигиена, иқтисодий ва ҳ.к. Қаватлараро зиналардаги маршларнинг сонига кўра 1,2,3,4 маршли зиналар бўлади.

Зиналар материалига кўра: ёғоч, пўлат, темир-бетон, йиғмалик даражасига кўра: яхлит, йиғма, йиғма блокли бўлади.

Асосий зинапояларнинг баландлиги билан энининг ўлчамлари 1:2 да қабул қилинган, яъни 150 мм : 300 мм. Зина маршининг қиялик бурчаги  $\alpha$  қ27° ни ташкил қилади.

Зина маршининг қиялиги унинг эни унинг бинодаги ўрни ва бажарадиган вазифасига боғлиқ одатда горизонтал текисликда ўртача инсон қадамининг узунлиги 500-600 мм ташкил этади. Зинадан кўтарилиш қулай бўлиш учун зинапоя ўлчамлари қадам узунлигига тенглаштирилган яъни, зинапоя баландлиги (В) ва энининг (Э) ўлчамлари Эқ2Вқ300х2қ600 ммни ташкил қилади.

Асосий зиналарнинг бир маршидаги зинапоялар сони 18дан ортиқ ва 3 тадан кам бўлмаслиги керак.

Маршлар орасида энг камида эни 100 мм га тенг бўшлиқ қолдирилиши керак (ёнғинни ўчириш шлангаларини ўтказиш учун).

Конструктив ечимига кўра капитал қурилишда зиналар 2 та асосий ечим асосида индустриал усулда тайёрланмоқда.

-йирик бир қават учун ҳар бирининг оғирлиги 101,5 тонна бўлган 5та элементдан иборат, яъни 3 та супача ва 2 та марш.

-оғирлиги 3 тонна атрофидаги 2та элементдан иборат. Зина марши 2та ярим супа билан бирга қуйма равишда тайёрланган, яъни йириклаштирилган элементлардан ташкил топган зиналар маршларининг ва супачаларининг шакллари турлича бўлиши мумкин.

Пулат *косоурларга* (ёнбош) ўрнатиладиган темир-бетон зинапояли зиналар асосан пўлат каркасли биноларда ишлатилади.



Зинапоялар бруслар ёки тахтадан тайёрланган торлардан (*тетива*) иборат булиши ҳам мумкин.

Тошкент шаҳридаги «600 ўринга мўлжалланган автомобиллар тўхташ жойи» нинг зиналари 1.050.1-1с серияси бўйича йиғма темир бетонлардан тайёрланади. Зина майдончаларининг баландлиги 3,30 м. га тенг лойиҳаланаётган бинода 4 та зина хоналари бўлиб, майдони

## МОНОЛИТ ТЕМИР-БЕТОН РАМАЛАР

Монолит темир-бетон рамалар РМ-1; РМ-2; РМ-3; РМ-4; РМ-5; РМ-6;

Лойиҳаланаётган Тошкент шаҳридаги «600 ўринга мўлжалланган автомобиллар тўхташ жойи» нинг юк кўтарувчи негизи монолит темир-бетонли бикр рама тугунли фазовий каркас схама бўйича лойиҳаланган.

Рама устунлари монолит темир-бетонлардан кесимлари квадрат шаклида 400х400 мм. қилиб, В25 классдаги бетонлардан тайёрланади ва диаметри Ø 25А- III, Ø 22А- III, Ø 20А- III, Ø 16А- III, Ø 8А- I (ГОСТ5781-82\*) бўлган ишчи ва конструктив ўзаклар билан ўзакланади.

Рама ригеллари монолит темир-бетонлардан тайёрланган бўлиб, кесимлари тўғри тўртбурчак шаклида 400х520 мм қилиб, В25 классдаги бетонлардан тайёрланади ва диаметри Ø22А-III, Ø25А- III, бўлган ишчи ўзаклари билан ўзакланади. В25 синфли бетондан тайёрланади.

## ЎРОВЧИ БЕЛБОҒ

(Объвязочный пояс)

Ўраб турувчи белбоғ ОБ1, Ø22А- III, Ø16А- III ва Ø12А- III синфли арматуралардан ва В25 синфли бетондан монолит усулда тайёрланади.

## САРБАСТАЛАР

Сарбасталар қурилиш майдонида темир-бетонлардан монолит усулда ўрнатилади.

## ҚАВАТЛАРАРО ЁПМАЛАР

Қаватлараро ёпмалар ички юк кўтарувчи ва тўсиб турувчи

горизонтал конструкциялар бўлиб, бинонинг баландлиги бўйича қаватларга бўлиб туради. Қаватлараро ёпмалар ўзининг хусусий оғирлигини, вертикал тўсиб турувчи конструкциялар юкини, ундан ташқари, интерьерда жойлашган предметлар, асбоб ускуналар, одамлар юklarини кўтариб бу юкларни бинонинг юк кўтарувчи деворига узатиб беради. Қаватлараро ёпмалар овоз изоляцияси ва иссиқлик изоляцияларини таъминлайди, ҳамда қаттиқлик ва мустаҳкамлик талабларига жавоб беради. Қаватлараро ёпмалар муҳимлиги, конструктив тузулишининг мураккаблиги ва нархига кўра бино деворлари каби муҳим ва маъсулиятли конструкция ҳисобланади.

Қаватлараро ёпмалар умумий бино нархининг 20 % , сарфланган меҳнат миқдори 25% ни ташкил қилади. Қаватлараро ёпмалар жойлашиш ўрнига кўра:

а) қаватлараро ёпмалар; б) чордоқдан ажралиб турувчи ёпмалар;

в) ертўла қаватидан ажратиб турувчи ёпмаларга бўлинади.

Акустик хусусиятларига кўра: а) акустик бир таркибли; б) акустик кўп таркибли. Конструктив турига кўра: а) тўсинли; б) йиғма темир-бетон панеллардан қилинган; в) яхлит темир-бетон; г) тўсинсиз ёпмалар.

Статик ишига кўра ёпмалар асосан эгилишга ишлайди.

Қаватлараро ёпмаларнинг эгилиш чегараси, ёпма узунлигининг 1/200 - 1/400 дан ортмаслиги керак. Ёпмаларга таъсир этувчи кучлар ёпмаларнинг конструктив турини танлашда асосий омил ҳисобланади. Энг оммавий ҳисобланадиган қаватлараро ёпмалар тури ичи қавакли плиталардир. Бу турдаги плиталар унификацияланган ва индустриал бўлиб, саноат фукаро бинолари қаватлараро ёпмаларининг асосий хили ҳисобланади. Қаватлараро ёпмаларнинг темир - бетон балкали тури ҳам кенг тарқалган.

Сейсмомустаҳкам биноларнинг ёпма панеллари хона ўлчамида ясалиб, тўрттала қирраси билан деворга тиралиши лозим. Ёпма панеллар яхлит ёки ғовакли плиталардан тайёрланади. Агарда ёпма алоҳида элементлардан ташкил топган бўлса, у ҳолда элементлар мустаҳкам

бирикиб, сейсмик кучларни тақсим қилаоладиган, бикир горизонтал диск ҳосил қилиши керак. Бунинг учун панель чеккаларида ўйиқлар ва очик арматуралар қолдирилади. Арматуралар кўшни элемент арматуралари билан кавшарланади, сўнг ўйиқлар бетон билан қопланади. Натижада ҳосил бўлган шпонка туташ панелларнинг ўзаро силжишига ва узилишига қаршилиқ кўрсатади.

Яхлит ёпма плиталарнинг тиралиш юзаси девор панелларининг қалинлигига боғлиқ. Панель қалинлиги 12, 14 ва 16 см бўлса, тиралиш масофаси камида 56 см олинади. Ёпма панеллар девор панеллари устига тўшалган, маркаси 100 дан ортиқ бўлган цемент қоришма қатламига ўрнатилади. Бу юқори қават элементларининг оғирлигини остки қават деворларига барча тиралиш юзалари бўйича бир меъёрда узатилишини таъминлайди.

Тошкент шаҳридаги «600 ўринга мўлжалланган автомобиллар тўхташ жойи» нинг қаватлараро ёпмалар конструкциялари темир бетондан қуйма усулда яратилади. Қаватлараро ёпмаларнинг қалинлиги 200 мм.

Қаватлараро ёпмалар монолит темир-бетон ригелларга таянади. Қаватлараро ёпмаларга Ø16А-III ва Ø8А-III (ГОСТ5781-82\*), Ø12А- III, -8х70 каби пластиналар ва В25 синфли бетон ишлатилади.

## П О Л Л А Р

Қаватлараро ёпмалар устидан поллар ўрнатилади. Поллар асосан қўл кучи билан бажариладиган бинонинг ички горизонтал сатҳи ҳисобланади.

Поллар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак: мустаҳкамлик ва чидамлилик, гигиеник, бадий, акустик ва ҳ.к.

Поллар қўйидаги хусусиятларига кўра классификацияланди.

- қаватлар сонига кўра: бир ёки кўп қаватли;
- материалларга кўра: Асфалт, бетон (яхлит ва плита шаклида), керамик, асфальт (яхлит ва плита шаклида) ва бошқа ҳил полларга бўлинади.

- акустик хусусиятларига кўра: яхлит яъни, бир таркибли кўп қатламли полларга бўлинади.

Тошкент шаҳридаги «600 ўринга мўлжалланган автомобиллар тўхташ жойи»нинг пол конструкциялари хоналар номига қараб танланган (1-жадвалга қаралсин).

## ТОМЛАР ВА ТОМ ҚОПМАЛАРИ

Бинони устки қисмини ташқи муҳитдан томлар ва ёпма ҳимоя қилади.

Томлар шакли, нишабларнинг қандай қияликда бўлиши бинонинг тархдаги ўлчамларига ва кўринишига, том ёпмасининг материалига, сувни тушириш усулига, иқлим шароитига, техника-иқтисодий шароитларига ҳамда бино архитектурасига оид мулоҳазаларга боғлиқдир. Том ва том ёпмаларнинг шакли бир нишабли ва икки нишабли бўлади. Шунингдек тўрт нишабли, гумбазсимон қубба, конуссимон ва бошқа ҳил томлар ҳам бўлади.

Нишаблар горизонтал кесишиб конёк ҳосил қилади. Томлар икки нишабли бўлганда деворнинг юқори учбурчак қисми пештоқ (фронтон) деб аталади.

Нишабларнинг бир-бирини қия ҳолда кесиб ўтишидан туртиб чиққан бурчак қовурға (ребро) ёки ичкарига кирган бурчак ёндова ҳосил қилади. Бир томнинг ҳамма нишаблари, одатда, бир ҳил қияликда бўлиши керак.

Том ва ёпма томларнинг шакли имконият даражасида оддий бўлиши ва имкон борича ёндовасиз бўлиши керак, чунки ёндова томнинг мустаҳкам қисми ҳисобланади ва доимий текшириб, қараб туришни талаб қилади.

Том ва ёпма томлар нишабларининг қиялиги нишаб қиялиги билан горизонт орасидаги унинг горизонтал ҳолатига нисбати билан, яъни процентларда (%) ёки касрларда ифодаланган қиялик бурчагининг тангенси билан ўлчанади.

Том ва ёпма томлар қиялигига қараб икки гуруҳга бўлинади:

- қиялиги 5 % ва ундан ортиқ бўлган нишаб томлар;
- қиялиги Одан 5 % гача бўлган текис томлар.

Чордоқнинг баландлиги унинг ичида бемалол юриш имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўртача 1,6 м дан кам бўлиши мумкин эмас.

Лойиҳаланаётган Тошкент шаҳридаги «600 ўринга мўлжалланган автомобиллар тўхташ жойи»нинг томлари – горизонтал ва вертикал боғловчилар тизимидаги металл фермалардан иборат.

Том қуйидаги материаллардан ташкил топган.

1. Тўлқинсимон асбест цемент листлар.
2. Стропил устига тўшаладиган ёғоч хари (обрешётка).
3. 1м кенглик бўйича намдан химоя қатлами – ташқи деворларнинг туташув контури бўйича битум мастика асосида тўшалган бир қатлам рубероид.
4. Цемент-қумли қоришма, қалинлиги-30 мм.
5. Керамзитли шағал- солиштирма оғирлиги-600кг/м<sup>3</sup>, қалинлиги-180 мм.
6. Буғ қатлами – бир қават пергамин
7. Цемент-қумли қоришма, қалинлиги-20 мм.
8. Темир-бетон чордоқ ёпмасы, қалинлиги -220 мм.

# АТРОФ-МУҲИТ ЭКОЛОГИЯСИ

БЎЛИМИ

Консультант: Миркамилов Э  
(Ф.И.Ш., имзо)

Битирувчи: Назимова Э  
(Ф.И.Ш., имзо)

Автосалон Тошкент шаҳрининг жанубий ғарбий қисмида, Сирғали туманида жойлашган бўлиб, худуди марказий темир йўл трассасидан Чирчиқ дарёси қайирларигача бўлган ерларни ўз ичига олади. Иқлими континентал, жазирама, қуруқ.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кундан бошлаб табиатни муҳофаза қилиш муаммоларига катта эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон республикаси конституцияси, «Табиатни муҳофаза қилиш» ҳақидаги қарорлар ва бошқа қонун-қоидаларида табиий захиралар, табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишнинг экологик ҳудудий асослари баён қилинган.

Табиат билан жамият уртасидаги муносабатлар, уларнинг ривожланиши давлатнинг ҳукукий қоидаларида қайд қилинган. Давлатнинг экологик дастури, унинг ҳаракат қилиш функциялари, инсон билан табиатнинг катта – кичик элементлари, бўлиқлари уртасидаги муносабатлар, экологик нормалар, шахснинг табиатга бўлган ҳуқуқ, вазифалари экологик қонунларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари: «Табиатни муҳофаза қилиш» тугрисидаги, «Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида», «Ер тугрисида», «Атмосфера ҳавоси тугрисида» қонунлар қабул қилинган.

Давлат ҳукукий қоидаларига биноан, мамлакатнинг ҳар бир аҳолиси тоза, соғлом ва гозал табиат, унинг элементлари – ер, сув, урмон, усимлик қоплами ва ҳайвонлар вакиллари ижарага олиб, фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалашнинг муҳим ижтимоий томони атроф муҳитини кўриқлашдир. Шаҳар муҳитини ва шаҳарни ураб турган табиий ландшафт элементларини ифлослантиришнинг асосий манбаълари – саноат ишлаб чиқариши ва транспортдир. Табиатни кўриқлаш мақсадлари ишлаб чиқаришни шундай ҳудудий гуруҳлаш ва кооперациялаш талабларини илгари сурадики, улар ижтимоий-иқтисодий эффект билан бир қаторда ишлаб чиқариш чиқиндиларини утиллаштириш ва атроф-муҳитга босимни камайтириш ҳисобига

экологик эффектни таъминлайди. Бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш комплекслари учун атроф мухитни қуриклаш ва қайта тиклаш бўйича умумий тадбирлар ўтказишни кўзга тутиш лозим. Ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириш шаҳарсозлик қисмларга бўлиш тизимида саноатни жойлаштириш меъёрларини мухитни сақлаш нуқтаи назаридан даврий кўриб чиқишни талаб қилади. Мухитни қўриқлаш бўйича тадбирлар кенг доирадаги масалаларни ўз ичига олади, уларни шаҳар мухити табиий компонентларини химоя қилиш бўйича чоралар кўриш (хаво, сув, тупроқлар, ўсимликлар); шаҳар аҳолиси ва корхоналар хизматчиларини шовқин, вибрация, иссиқлик юкланишлари ва бошқалардан химоялаш чоралари; шаҳар мухитини қўриқлашнинг бир қатор масалаларини комплекс ҳал этувчи шаҳарсозлик чораси сифатида санитар-химоя қисмини шакллантириш; бузилган ерларни рекультивациялаш ва улардан рационал фойдаланиш кабиларга бўлиш мумкин. Хаво ва сув хавзаларини, тупроқ ва ўсимликларини химоялаш аҳолининг санитар-гигиеник комфортини таъминлашга ҳамда шаҳарда табиат комплекси элементларини қайта ишлаб чиқариш табиий жараёнларини сақлашга йўналтирилган. Бу масалани ечишнинг шаҳарсозлик томонлари: ландшафт табиий характеристикаларини ҳисобга олган ҳолда шаҳарни рационал қисмларга бўлиш; зарарли чиқиндиларни анча тула локализациялашни таъминловчи ишлаб чиқариш комплекси доирасида қисмларга бўлиш; химоя қисмларни шакллантириш ва улардан рационал фойдаланиш; шаҳарни ўраб турган ҳудудларни санитар-гигиеник талаблар ҳамда табиий комплексларни техноген босимларга мустаҳкамлиги нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш ҳудудларини жойлаштиришда ҳисобга олиш. Аҳолини корхоналар ва шаҳар транспорти иши билан боғлиқ шовқин ва вибрациялардан химоялаш ҳам рационал қисмларга бўлиш орқали таъминланади ва бир вақтнинг ўзида шовқиндан химоялаш экранларини шакллантириш, махсус тархий ва конструктив ечимга эга иморатлардан фойдаланиш, вертикал режалаштиришнинг турли усулларини қўллаш ва х.к. чораларни ичига олади. Шаҳарнинг ишлаб чиқариш қисмини



лойиҳалашда химоя тадбирларини ўтказиш айниқса долзарбдир. Биз ишлаб чиқариш комплекслари санитар-химоя қисмларини шакллантиришдек шаҳарсозлик вазифасини ҳозирги шароитдаги ишлаб чиқариш технологиялари ва зарарли чиқиндиларни тозалашдаги камчиликларга энг таъсирчан компенсация воситаси сифатида ажратамиз. Ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалашнинг муҳим ижтимоий томони атроф муҳитини кўриклашдир. Шаҳар муҳитини ва шаҳарни ураб турган табиий ландшафт элементларини ифлослантиришнинг асосий манбаълари – саноат ишлаб чиқариши ва транспортдир.

Автосервис корхоналари инсонларни иш жойлари ва меҳнат билан таъминлаши билан бир каторда уларнинг саломатлигига таъсир курсатувчи объект ҳам ҳисобланади. Шунинг учун автосервисларда хизмат килаётган ходимларнинг саломатлиги, ишлаш қобилиятини сақлаш мақсадида уларга керакли меҳнат шароитлари яратиб бериш зарур. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Меҳнат қонунлари кодекси ва бир катор давлат қонунларида ва қарорларида таъкидлаб утилган.

Автосервис корхоналарида ишлаб чиқариш участкалари, устакана постлари турли хил жихозлар асбоб-ускуналар билан таъминланган бўлиб, улар доимий ҳаракатда бўладилар, турли хил энергия манбааларидан қувватланадилар. Бундан ташқари ишлаб чиқариш жараёнида атроф – муҳитга турли захарли газлар, чанг, шовкин – сурон, тебранишлар тарқалиб, меҳнат килаётган инсоннинг иш қобилиятини пасайиши ва саломатлигига салбий таъсир курсатади. Шунинг учун инсонни ушбу омиллар таъсиридан химоя қилиш зарур бўлади, яъни инсон меҳнатини муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат аҳамиятидаги вазифадир.

Ишлаб чиқаришда инсон саломатлиги ва унинг ишлаш қобилиятига 2 хил омил таъсир курсатади: хавфли ва зарарли.

Ишлаб чиқариш санитарияси АТХКС ларда меҳнаткашларга нормал иш шароити яратиш масалалари билан шугулланади. Унинг учу ниш жойлари ва

хоналарида етарли даражада ёритиш, иситиш, шамоллатиш, турли хил газлар, радиация нурларидан химоя қилиш, шовкин, тебранишлар олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади ва тадбир этади.

Автосалон биносининг атрофини катта қисмини яшил майдон қилиш мақсадида ҳар хил турдаги гуллардан, дарахтлардан, безак берувчи декоратив элементлардан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Шу аснода бу факатгина, безак бериш мақсадида эмас, балки экологик жihatдан фойда бериш мақсадида ҳам ишланди. Шунинг учун автосалон биносидан чиқаётган чиқиндилар, ёқилғимойлари учун мулжалланган махсус чуқурлик, яъни резервуар қурилди.

Темирбетон резервуарлар турли суюқликлар (нефть ва нефть маҳсулотлари, спирт ва бошқалар) ни сақлаш вазифасини утайди. Резервуарнинг ички сирти суюқликнинг кимёвий таркибига қараб бўёқ, лок ёки плиткалар билан қопланади.

Темирбетон резервуарларни лойиҳалаш ва қуришда унинг деворлари ва тубининг ёрикбардошлиғи ҳамда сув утқазмаслигига алоҳида эътибор бериш талаб этилди. Ёрикбардошлиқни оширишнинг энг яхши усули резервуар деворида олдиндан қучланиш уйғотишдир. Сув утқазмаслигини таъминлаш учун зич бетон қўллаш ва ички сиртларга махсус қопламалар қўллаш тавсия этилади.

Жойланиш сатҳига қура ер ости , қурилиш усулига қура ёпик хилдаги сизими эса 5000 – 6000 м<sup>3</sup> дан ортиқ монолит резервуар қуриш тақлиф берилди .

## **Фойдаланилаган адабиётлар:**

Асосий адабиётлар.

И.А.Каримов асарлари:

1. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Тошкент. 1998
2. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент.2009
3. Ватанимиз боскичма-боскич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий максадимиз. Тошкент.1998
4. Ю.Н.Коваленко., В.П. Шевченко., И.Д. Михайленко. Краткий справочник архитектора. Киев.
5. «Гаражи». Москва, 1986 г.
6. «Гаражи и стоянки». М. 1988.
7. Архитектурное проектирование общественных зданий. Москва, 2007 г.
8. Ўбайдуллаев Х.М., Иноғомова М.М. «Тура ва жамоат бинолари типологик асослари. Тошкент, 2009 й.

Кушимча адабиётлар.

1. ШНК 2.01.02-05 «Ёнғин хавфсизлиги ва эвакуация йўллари»
2. КМК 2-08.02-09. «Жамоат бинолари ва иншоотлари»
3. КМК 2-07.02-96. «Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитларини ногиронлар
4. КМК 2.01.18-2000 «Бинолар ва иншоотларини иситиш, шамоллатиш учун энергия сарфи меъёрлари»
5. ВСН 01-89 «Автомобилларга хизмат кўрсатиш корхоналари»
6. КМК 2.03.10-95 «Томлар ва томкопламалар»
7. КМК 3.03.01-98 «Юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар»

Интернет сайтлари:

Ziyonet.uz